

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 333-ҳадис

1. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхүнинг хотинлари Зайнаб ас-Сақафийя розияллоҳу анходан ривоят килинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй аёллар! Тақинчоқларингиздан бўлса ҳам садақа қилинглар», дедилар. Мен Абдуллоҳнинг олдига қайтиб, «Сиз камхарж одамсиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни садақа қилишга буюрдилар. Бориб, у зотдан сўранг-чи, (садақани сизга берсам ва) бу мен учун жоиз бўлса бўлди, бўлмаса сизлардан бошқаларга бераман», дедим. Абдуллоҳ менга: «Йўқ, ўзинг бор», деди. Бордим. Қарасам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эшиклари олдида бир ансория турибди. У ҳам худди шу иш билан келган экан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам маҳобатли зот эдилар (шунинг учун киришга юрагимиз бетламади). Олдимизга Билол чиқиб қолган эди, унга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бориб, эшик олдида икки аёл турибди, эрига ва қарамоғидаги етимларга садақа қилса жоизми, деб сўрашяпти, деб айт. Лекин у зотга бизнинг

кимлигимизни айтма», дедик. Билол Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига кириб, у зотдан сўрабди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «**У икки аёл кимлар экан?**» дебдилар. У: «Бир ансория билан Зайнаб», дебди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Қайси Зайнаб?**» дебдилар. У: «Абдуллоҳнинг аёли», дебди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «**Уларга икки ажр бор: қариндошлиқ ажри ва садақа ажри**», дебдилар».

*Муттафақун алайҳ.*

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

